


Ички йўлларда таъмирлаш ишлари олиб борилди



Термиз тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туман Йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси ҳамда ҳомийлар билан ҳамкорликда туманнинг “Янги ҳаёт” маҳалласидаги Истиқлол кўчасидаги тупроқ йўлларнинг 1 км қисмида шағалтупроқ аралашмаси тўшалиб, таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Ушбу ҳашарга 10 га яқин юк ташувчи ва 3 та маҳсус техникалар жалб қилинди. Аҳоли вакиллари йўлсозларга кўмак бериб, қўл кучи талаб қиласиган ишларда фаол иштирок этишди.

Ҳозирда йўлнинг қолган қисмида ишлар қизғин давом эттирилмоқда.